

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

#### Муҳаррирлар:

Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>М.Исмоилов, З.Кўпайсинова</b> Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар .....	6
---	---

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов</b> Индивидларнинг умр кўриш давомийлиги ҳақида .....	11
<b>В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова</b> Фарғона водийси қумли даҳалар тупроқлари .....	14
<b>А.Махсумов, Б.Исмаилов</b> 1-фенил азонафтол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши .....	20

КИМЁ

<b>Х.Юлдашев, Ю.Мансуров</b> Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши .....	24
<b>С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев</b> Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомлексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари .....	29

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>И.Носиров</b> Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари .....	33
<b>С.Хусанбоев</b> Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари .....	40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Ў.Аҳмедова</b> Таълимнинг ижтимоийлашувида маънавий тарбия масаласи .....	44
---	----

ТАРИХ

<b>О.Маҳмудов</b> Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар .....	47
<b>С.Юлдашев</b> Фарғона сомоний волийлар бошқаруви даврида .....	53
<b>А.Атаходжаев</b> Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири .....	61
<b>И.Фуломов</b> 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир .....	67
<b>А.Алохунов</b> Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар .....	73
<b>В.Абиров</b> Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши .....	77
<b>Ш.Холикулов</b> Россия империяси суд-ҳуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти .....	84
<b>Ш.Усанов</b> Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари .....	89

УДК: 9(575.141)

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ СУД-ҲУҚУҚ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА НОТАРИАЛ  
ИДОРЛАР ФАОЛИЯТИ  
(XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШИ)

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НОТАРИАЛЬНЫХ КОНТОР В СИСТЕМЕ СУДЕБНО-ПРАВОВЫХ  
ОРГАНОВ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ  
(ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛО XX ВЕКОВ)

ACTIVITY OF THE NOTARIAL OFFICES IN THE FORENSIC SYSTEM OF THE  
RUSSIAN EMPIRE

Шерзод Холикулов<sup>1</sup><sup>1</sup>Шерзод Холикулов

– Самарқанд давлат университети, тадқиқотчи.

**Аннотация**

Мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империясида нотариал идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асосини империянинг XVI қонунлар тўплами биринчи жилдига киритилган “Нотариал қисмлар ҳақидаги Низом”нинг моддалари шарҳи келтирилган. Нотариал тизимда фаолият олиб боровчи кадрлар бўлган эҳтиёж ҳамда уларга қўйиладиган талаблар ўрганилган. Шунингдек, нотариусга қўйиладиган талаблар, хизмат вазифалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритиб берилган.

**Аннотация**

В статье рассматриваются статьи «Положения о нотариальных частях», входящих в первый том XVI Свода законов второй половины XIX - начала XX вв. нормативно-правовой базы координации нотариальной деятельности в Российской империи. Изучена потребность в кадрах, работающих в нотариальной системе, и требования к ним. Также описаны требования к нотариусу, его обязанности и права.

**Annotation**

The article provides a review of the regulatory framework for the coordination of notarial activities in the Russian Empire in the second half of the XIX - early XX centuries and the articles of the "Regulations on Notarial Parts", included in the first volume of the XVI Code of Laws. The need for personnel working in the notarial system and the requirements for them were studied. It also describes the requirements for a notary, his duties, their rights and obligations.

**Таянч сўз ва иборалар:** нотариус, суд органлари. Нотариал қисмлар ҳақидаги низом, ҳакам(судья)лар, шаҳар судьялари, округ судлари, маклерлар, судлов муассасалари.

**Ключевые слова и выражения:** нотариус, судебные органы, Положение о нотариальных частях, мировые судьи, городские суды, окружные суды, брокер, судебное учреждение.

**Keywords and expressions:** Notary, judicial authorities, Regulations on notarial units, magistrates, city courts, district courts, brokers, judicial institutions.

**Мавзунинг долзарблиги.** Туркистон ўлкасида Россия империяси бошқарувининг жорий этилиши, ўлкада мавжуд бўлган удум ва анъана, қонун - қоидаларни тез фурсатларда муомаладан чиқаришни назарда тутган эмас эди. Чор Россиясининг босқинчилик ҳаракатлари кейинги босқичда бу ерда рус маъмуриятини қарор топтириш, рус маъмурлари ёки уларга хайрихоҳ амалдорлар бошқарувига кенг йўл очиб бериш, ўлка бошқарувини мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан Туркистон генерал-губернаторлиги раҳбарлиги остидаги бутун бошли тизимни шакллантиришни кўзда тутарди ва бу босқичма-босқич амалга оширилди. Туркистон ўлкасида мавжуд судлов тизимини қайта кўриб

чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги ҳуқуқий тизимларни шакллантириш юзасидан қатор ислохотлар ўтказилди. Туркистон ўлкасида мустамлака маъмуриятининг қарор топиши ва бунда нотариал идораларнинг алоҳида институт сифатидаги фаолиятини тартибга солиш юзасидан амалга оширилган ишлар моҳиятини тушунтириш нафақат ватан, балки, жаҳон тарихида ҳам мунтазам ўрганишни талаб этадиган муаммолардан бири саналади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзу кўлами кенглиги жиҳатидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилиши учун асос бўлган. Тадқиқ қилинган тадқиқотларни шартли равишда ватан ва хорижлик муаллифлар

## ТАРИХ

мисолида ўрганиш ўринлидир. Марказий Осиё минтақасининг Чор Россияси томонидан босиб олинишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий оқибатларини таҳлил қилган ватандош тарихчилар – Т.Султонова[1], Ф.Исхаков[2], Н.Абдурахимова[3], Ф.Бакиров[4], Б.Эргашев[5], Ш.Ғаффоров ва бошқалар барча масалалар қаторида Туркистонда суд идоралари фаолиятининг йўлга қўйилиши ва 1917 йилга қадар босқичма-босқич ислоҳ қилиниши тарихига тўхталиб ўтадилар. Хориж, шу жумладан, Туркистон ўлкасида Чор Россияси судлов тизими асосларининг яратилиши тарихи борасида Н.И.Крафт[6], Б.Н.Каплун[7], Н.Фиолетов[8], Н.Ликошин[9], Н.Маев[10], В.Наливкин[11], С.Н.Трегубов[12] сингари рус маъмурлари, сайёҳлари ва тарихчиларининг қайдлари, эсдаликлари ва асарлари бирламчи манба вазифасини бажаради. Шунингдек, замонавий тарихшуносликда А.Солиев[13], Д.А.Глазунов, Л.С.Нестеренко, К.Л.Васин, сингари МДХ давлатлари тарихчилари ушбу масала борасида ўз қарашларини баён қилганлар.

Туркистонда суд органлари ва нотариуслар фаолияти масаласи бошқа хорижий мамлакатлар тадқиқотчиларидан Д.Броуер[14], Р.Д.Крюс[15], А.Донелли[16], Ж.Т.Метю[17], П.Сартори ва У. Абдурасулов[18], Сартори Паоло[19] ва бошқалар томонидан ўрганилган.

**Муаммонинг қўйилиши.** XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империясида нотариал идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асосини Россия империясининг XVI Қонунлар тўплами биринчи жилдига киритилган “Нотариал қисмлар ҳақидаги низом” ташкил этарди. Дастлаб мазкур Низом 217 та моддадан иборат бўлиб, унинг 1-41 моддалари нотариал қисмларни ташкил этиш ҳақида, 42-56 моддалар нотариал архивлар ва бош нотариуслар ҳақида, 57-64 моддалар нотариусларни назорат қилиш ва уларнинг жавобгарлиги ҳақида, 65-192 моддалар кичик ва бош нотариуснинг ҳуқуқий мақоми ва ҳаракат доираси, 192-217 моддалар эса нотариал хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тўловлар ҳақида эди. 1866 йилда Нотариал қисмлар ҳақидаги низом қабул қилиниб, бирмунча кейинроқ, яъни 1875 йилда собиқ Польша қироллиги, 1889 йилда Болтиқбўйи губернияларига жорий қилиниши ордан юқоридаги 217 та моддага яна қўшимча 160 та моддалар қўшилди[20].

1863 йилнинг 14 июлида тақдим қилинган Низомнинг лойиҳасида

нотариусларнинг давлат хизматчилари сифатидаги мақоми аниқ қилиб кўрсатилган бўлса-да, уларнинг амалдор бўлишлари ва нафақа олишларига рухсат берилмаслик назарда тутилган. Давлат томонидан уларга маош ҳам белгиланмаган, аммо ҳар бир нотариал хатти-ҳаракат учун тўлов ундиришларига рухсат берилган.

Нотариусларга кўчмас мулк бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ҳуқуқи берилди лекин бу ҳужжатни тасдиқлашни кўчмас мулк жойлашган ҳудудга дахлдор суд органларига тақдим қилиш белгиланди. Бу суд органларини турли маълумотлар учун тўловлар ундириш мажбуриятдан халос қилиши керак эди. Бироқ, суд комиссиялари ушбу масалани ўзгача тарзда ҳал қилишни маъқул, деб топди: дастлабки суд комиссиясининг фикрича, нотариал фаолият етарлича тушум келтирувчи соҳа эмас, шу боисдан давлат томонидан нотариусларга маош тўланиши зарур саналган; иккинчи суд комиссияси мамлакатда нотариусларнинг икки турини ташкил қилиш лозим, улар давлат нотариуслари ҳамда оммавий нотариуслар бўлиб, улар ўртасидаги тафовут уларга белгиланадиган меҳнат ҳақи орқали англашилиши таклиф қилинди. И.С.Волманнинг фикрича, давлат кенгашида бўлиб ўтган баҳс-мунозаралардан сўнг кенгаш нотариусларни 8 поғонада тафовутланадиган давлат хизматчилари сифатида эътироф этишни маъқул топади. Низомнинг 17-моддасига кўра уларнинг нафақага чиқарилиши тақиқланди. Шунингдек, 208-модда давлат томонидан тўлов миқдори белгиланмаган тақдирда томонлар келишувига кўра нотариуснинг ҳақ ундиришига рухсат берилди. Низом томонидан томонлар келишувига кўра нотариуснинг хатти-ҳаракатлари юзасидан уни мукофотлаш тартибининг белгиланиши замондошлар фикрича мавжуд қонунчиликнинг асосий камчиликларидан бири бўлган. Давлат божи келишув бўлмаган тақдирда ундирилди. Шунини айтиш керакки, шу даврда хорижий мамлакатларда нотариуслар меҳнати давлат томонидан белгиланган бож ҳисобига рағбатлантирилган.

Нотариал қисмлар ҳақидаги низом лойиҳасини тақдим қилган барон М.А.Корфу нотариал ҳужжатнинг юридик кучини таъминлаш масаласини ҳам алоҳида ўрганиб чиқишни таклиф қилади. Давлат кенгашининг биринчи суд комиссияси ишида иштирок этганларнинг камчилиги нотариал хатти-ҳаракатлар бўйича ҳужжатнинг худди суд ҳукмидек юридик кучга эга бўлиши, яъни

нотариуслар тўлдирган ҳужжат асосида унинг бажарилишини ҳам назорат қилишлари керак, деган фикрни ёқлаб овоз бердилар. Иккинчи суд комиссиясида ушбу масала бўйича овоз берганлар саноклигига бўлди. М.А.Корфунинг ўрнига тайинланган В.Н.Паниннинг фикрича, 1864 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган суд Низомида ҳар қандай ҳужжат суд қарорисиз юридик кучга эга эмаслиги тўғрисидаги алоҳида банд киритилганлигини ҳисобга олиб, ушбу масалани Нотариал қисмлар ҳақидаги низомда яна бир маротаба кўриб чиқишни зарур эмас, деб ҳисоблади. Граф Паниннинг қарашларини тўғри деб ҳисоблаган Давлат Кенгаши “Нотариал ҳужжатлар” деб аталган IV бўлимни Суд низомидан чиқариб ташлади. Низомда нотариал ҳужжатлар 1864 йилги Фуқаролик суди низомида кўзда тутилган тартиб асосида юридик кучга эга эканлиги ҳақидаги банд қолдирилди.

Нотариал органларда ишловчи кадрларга талаб ҳам ўзгарди. Крепостнойлик ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларга котиблик қилиш ёки назоратчи бўлиш учун номзоддан қонунларни яхши билиш, ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасининг шаклланган бўлиши, виждонли ва ҳалол бўлиши талаб этилган. Нотариус ёки маклер бўлиш истагидаги кишидан эса 1857 йилда қабул қилинган Қонунлар тўпламида белгилаб берилганидек, фақат илмли шахс бўлиши талаб этиларди (шуниси қизиқки, рус қонунларида ҳам, қонуности ҳужжатларида ҳам номзодларнинг илмли бўлиш масаласи аниқ кўрсатилмаган эди – Х.Ш.). 1866 йилги Нотариал қисмлар ҳақидаги низомда нотариус лавозимини эгалламоқчи бўлган шахсга қуйидаги талаблар қўйилган:

- рус фуқаролигини олган бўлиши;
- вояга етган шахс бўлиши;
- жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс бўлиши;

- бошқа давлат ва жамоат лавозимларини эгалламаган бўлиши керак эди.

1887 йилнинг 6 июнидаги Адлия вазири чиқарган талабномага мувофиқ, яҳудийларнинг нотариус вазифасини эгаллашлари қатъий тақиқланган[21].

Нотариусларнинг жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, хусусан нотариусларнинг жавобгарлиги 1845 йилда қабул қилинган “Жиноий ва ахлоқий жазога тортиш ҳақидаги низом”да қуйидаги хатти-ҳаракатлари учун жазо турлари белгилаб берилган:

- қонун томонидан нотариуслар зиммасига юклатилган мажбуриятларни

бажаришдан бош тортган, ўз мансабига совуққонлик билан муносабатда бўлиш каби ҳолатларда кўпинча ахлоқий жазо қўлланилиши белгиланган бўлса-да уларнинг барчаси жиноий жазо сифатида таърифланган; - ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш билан боғлиқ жиноятлар алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.

Нотариус томонидан йўл қўйилган ҳар қандай хатолик ва жиноят округ суди раиси ёки прокурор томонидан судга белгиланган тартибда хабар қилинган. Суд ҳам нотариусни эшитгач, уни ўз мансабиде қолдириш ёки қолдирмаслик масаласини ҳал қиларди. Суд хулосаси суд палатаси раисига етказилиши ва у ҳам нотариуснинг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб ҳисоблаган тақдирда ишдан четлатилиши ва бу ҳақда Адлия вазирлигига тегишли тартибда ахборот бериши талаб этиларди. Нотариуснинг иши кўриб чиқилган, округ суд палатаси томонидан чиқарилган фармойиш кассация тартибида қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилмаган[22].

Хатолик туфайли ёки атайлаб бож ундирилмаган ҳолатларда нотариусларга қатъий тартибда пуллик жарима қўлланилган[23].

Нотариуслар бўлмаган ҳудудда уларнинг вазифасини округ судининг уезд аъзоларидан бирига ёки мировой ҳакам, у ҳам бўлмаган ҳолларда шаҳар судлари зиммасига юклатилган. Округ судининг уездлар бўйича аъзолари ушбу лавозимни эгаллаган ҳолатларда уларга бўнак тўлаш шарт бўлмаган судлар ва суд палатаси томонидан назоратга олинмаган. Шунингдек, бу ходимлар томонидан амалга оширилаётган нотариал хатти-ҳаракатлар чекланган хусусият касб этган.

1866 йилда Россия империясида қабул қилинган Нотариал қисмлар ҳақидаги низомнинг 20-21 моддаларига мувофиқ, нотариусга фақат ўзи фаолият юритаётган округ суди ҳудудида ўз касбий фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган. Нотариусларга ушбу ҳудуддан ташқаридаги фуқароларга хизмат кўрсатиш тақиқланган.

1866 йилги Низомда нотариуслар касби юзасидан келиб чиқиб, сир сақлаш мажбуриятини ҳам олганлар. Нотариус томонидан касб сирини сақлаш билан боғлиқ мажбурият бузилган ҳолда нотариус ўз мавқеидан маҳрум бўлиши ва хизматдан четлаштирилиши белгилаб қўйилган. Чунки нотариал фаолият давлат хизмати сирасига кирган. Бундан ташқари, қўшимча жазо тариқасида нотариусга нисбатан 4 ойдан 8

## ТАРИХ

ойгача бўлган муддатда махсус жазо уйларида жазо ўташи белгиланган.

1866 йилги Низом нотариал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва ҳужжатлар расмийлаштиришдаги ягона тартиб жорий қилинишини белгилаб берди. Низомнинг 26-моддасига кўра ҳар қандай нотариал ҳаракатлар нотариал китобларга киритилиши шарт қилиб қўйилган. Ёзма реестр китобида нотариал хатти-ҳаракатлар моҳияти акс эттирилган бўлса, нотариал китобларга бу хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун олинган тўлов ва йиғимлар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Нотариус унга сақлаш учун берилган барча ҳужжатларни рўйхатга олиш китобига киритиши мажбурий саналган. Низомнинг 28-моддаси рўйхатга олиш китоби тартибини белгилаб берган. Шунга мувофиқ китоб саҳифаси 5 бўлимга ажратилган ва уларнинг ҳар бири тўлдиришни талаб қилинган маълумотлар билан тўлдирилган. Нотариал китоблари ҳам ўз хусусиятидан келиб чиқиб, белгиланган қоидага мувофиқ алоҳида бандларга ажратилган ҳолда юритилган, китобларнинг саҳифалари белгиланиб тикилган ва округ суди томонидан муҳрланган. Низомнинг 29-30 моддалари қоғоз ўлчамини, шунингдек, ҳужжатларга киритиладиган ўзгаришлар шартларини изоҳлаб берган. Рўйхатга олиш китоби саҳифалари тугаб қолган ҳолда 1 йил давомида нотариус уни ўзида сақлаши ва шундан сўнг округ суди қошидаги нотариал архивга топшириши белгиланган. Бу ердаги ҳужжатларга жавобгарлик бош нотариус зиммасига юклатилган. Бош нотариус, шунингдек, нотариал хатти-ҳаракатларнинг тўғри ва қонуний бажарилиши устидан ҳам белгиланган тартибда назорат олиб бориш мажбуриятини олган (1-модда). 1866 йилги Низом нотариуслар иш тартибини ҳам белгилаб берди. Ўз иш жойида 6 соатдан кам бўлмаган муддатда хизмат қилиши белгиланган нотариус округ суди раиси буйруғига кўра таътилга чиқарилган. Аммо таътилга кетишдан олдин нотариусдан ўз хизмат ваколатларини унинг даражасидаги бошқа бир шахсга юклатиш белгиланган.

Нотариуслар ўзларига берилган ваколат доирасида нотариал хатти-ҳаракатларни амалга оширар эканлар, уларнинг барчаси қонун томонидан тақиқланмаган ҳолатлар бўлишига эътибор қаратганлар. 1866 йилги Низомда нотариусга куйидаги мажбуриятлар ҳам юклатилган.

1. Нотариал хатти-ҳаракатни амалга оширишга даҳлдор воситаларни аниқлаш (65 модда).

2. Худудий тамойилга амал қилиш (21-22 моддалар).

3. Нотариус ёки бош нотариусгагина нотариал ҳаракатларни амалга оширишга рухсат бериш (154-модда).

4. Нотариал ҳаракатларда иштирок этувчиларнинг шахсини, ваколатларини, ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш (бунда гувоҳлар ва ҳолислар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган бўлиши белгиланган) (83-модда).

5. Нотариус билан қариндошлик алоқаларининг мавжудлигини белгилаш.

6. Нотариал хатти-ҳаракатларда иштирок этувчиларнинг касаллик ва ногиронлиги бўйича маълумотларни аниқлаштириш.

7. Рус тилини билиш (91-модда).

8. Нотариал хатти-ҳаракатнинг ҳуқуқий аҳамияти борасида томонларга тушунча бериш ва уларнинг хоҳиш-истакларини ҳам қонун доирасида эътиборга олиш (89-модда).

9. Нотариал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида иштирок этувчиларнинг аниқ сонини белгилаш.

Мазкур Низомнинг 59-моддасига кўра нотариус томонидан қонунбузарлик ҳолатлари содир этилганда уни ахлоқий ёки жиноий жавобгарликка жалб қилиш белгиланган.

1867 йилнинг 27 июнида Нотариал қисмлар ҳақидаги низом ҳамда нотариуслар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларни мукофотлаш ҳақидаги вақтинчалик Низомни амалиётга жорий қилиш тартиби тўғрисидаги қоидалар кучга кирди.

**Хулоса.** XIX асрда Нотариуслар ўз ҳаракатларини қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширишлари лозим бўлган. Нотариус XIX аср қонунчилигида кўплаб хато ва камчиликлар, шунингдек, жавобини кутиб турган саволларга тўлиб-тошган қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ҳаракат қилишлари, бир сўз билан айтганда “қонун белгиси” ижрочиси бўлиши керак эди. Замондошлар фикрича, “айрим нотариуслар қонунда мустаҳкам асосга эга бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишдан бутунлай воз кечган бўлсалар, ўзига ишонган баъзи бир нотариуслар ана шундай нотариал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш давомида ўз қарашлари ва тушунчаларини аҳолига етказиб бордилар”. Фуқаролик ҳолатлари ва бошқа нотариал хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ мураккаб ҳуқуқий масалалар нотариуслар хоҳиш ва билими даражасидан келиб чиқиб, эркин ва осон ҳал этиларди.

1864 йилги нотариуслар ҳақидаги Низом кучга киргандан кейин Россия империяси қонунчилигида қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда янги ўзгаришлар, таҳрир қилинган вариантлар ва қўшимчалар мунтазам қўшилиб борилди. Шу тариқа XIX аср нотариуслари ўзларининг ҳуқуқий фаолиятини йўлга қўйиш давомида дастлаб кўплаб эътирозларга сабаб бўладиган ва тўлдиришни талаб қиладиган “қонун ҳарфлари” ижрочиси бўлишди.

Судлов муассасалари қарорининг 420-моддасига мувофиқ эндиликда нотариуслар суд ҳузуридаги суд приставлари даражасига тенглаштирилди. Бироқ суд органлари нотариал хатти-ҳаракатларни давлат ишидан кўра кўпроқ тижоратга дахлдор, деб ҳисоблаганлар. Низомнинг 58-моддасида кўзда тутилган вақти-вақти билан нотариал идоралар фаолиятини текшириш бўйича кўзда тутилган ишлар кўп ҳолларда назоратчи судьялар

томонидан уларнинг бошқа масалалар билан бандлиги сабабли етарлича тафтиш қилинмас эди. Бирмунча кейинроқ нотариуслар ва нотариал архивлар фаолияти округ суди назорати остидаги идораларга ўтказилади.

1899 йилнинг 19 майида юзага келган муаммоларни бартараф қилишнинг зарурияти юзага келганлиги муносабати билан нотариал қисмлар ҳақидаги Низомнинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди ва ишлаб чиқилган лойиҳалар кенг халқ оммасига муҳокама учун тақдим қилинди. 1899 йилги лойиҳада нотариуслар ойлик маоши билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмади. Бу эса, ўз навбатида, назарий ва амалий тайёргарликдан ўтган юқори малакали нотариусларни ушбу соҳага жалб қилишга имкон бермасди. Шунингдек, нотариал хатти-ҳаракатларнинг округ суди томонидан назорат қилиш масаласи ҳам ҳал этиб берилмади.

#### Адабиётлар:

1. Султонова Т. Шариат қоидалари ва нотариал ҳаракатлар // *Нуқуқ ва бurch*, 2009 йил 2-сон.
2. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). – Т.: Фан, 1997.
3. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Тошкент “Академия” нашриёти. 2002.
4. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Т.: Фан, 1967.
5. Эргашев Б. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства. – Т.: Фан, 2015.
6. Крафт И.И. Судебная часть в Туркестанском крае и степных областях 1898 г.
7. Каплун Б.Н. Положение об управлении Туркестанского края. (Издание неофициальное). – Т., 1903.
8. Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии // *Новый Восток*. 1928. № 23.
9. Лыкошин Н. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. 1916.
10. Маев Н. А. Туркестанская выставка 1886 года - Ташкент: Типо-литография С. И. Лахтина, 1886.
11. Наливкин В.П. Полвека в Туркестане: биография, документы, труды
12. Трегубов С.Н. Прокурорский надзор в народном суде Туркестанского края. Журнал Министерства юстиции. № 11-12. Спб.
13. Салиев А. Попытки инкорпорации традиционных судов Туркестана в систему судопроизводства Российской империи // *Право и управление*. XXI век. 2015. № 2 (35).
14. Brower, Daniel R. *Turkestan and the Fate of the Russian Empire*. London; New York: Routledge Curzon, 2003.
15. Crews, Robert D. *For Prophet and Tsar: Islam and Empire in Russia and Central Asia*. Cambridge, Mass: Harvard University Press, 2006.
16. Donnelly, Alton. *The Mobile Steppe Frontier. II Russian Colonial Expansion to 1917*. ed. Michael Rywkin. London: Mansell, 1988.
17. Thrasher, Matthew J., "How to Make a Colony: Reform and Resistance in Russian Turkestan, 1865-1917" (2010). German and Russian Studies Honors Projects. Paper 5.
18. Paolo Sartori and Ulfat Abdurasulov. Seeking Justice at the Court of the Khans of Khiva. Pages: 1–78, DOI: [https://doi.org/10.1163/9789004427907\\_002](https://doi.org/10.1163/9789004427907_002), 2020.
19. Sartori Paolo. *Sharia and cultural change in Russian Central Asia*. Boston : Brill, 2016. | Series: Handbook of oriental studies. Section eight, Uralic and Central Asian studies ; Volume 24 | Includes. bibliographical references and index.
20. Тишкова А.Г. Положение о нотариальной части 1866 г.: историко-правовой источник. Гуманитарные и социальные науки 2011. № 5. С. 174.
21. Черемных И.Г. Российский нотариат: прошлое, настоящее, будущее. М., 1999. Электронный ресурс.
22. Решение Сената 1878 г. № 65.
23. Решение Сената 1879 г. № 47.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)